

АЗАМАТ МУХТАРОВ

# МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МИЛЛИЙ МАНФААТ



ТОШКЕНТ

1  
M93  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЗАМАТ МУХТАРОВ

# МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МИЛЛИЙ МАИФААТ

МОНОГРАФИЯ

П-8

TDIU kutubxonasi h/v <u>7132</u>
--

050

П-18

ТОШКЕНТ – 2014

УЎК: 323 (575.1) (072)

КВК 66.3 (5Ў)

М-93

**М-93**            **Мухтаров А. Миллий ғоя ва миллий манфаат.**  
**Монография. –Т.: «Fan va texnologiya», 2014,**  
**240 бет.**

**ISBN 978–9943–4270–9–9**

Демократик давлат, фуқаролик жамиятини қуриш ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, инсонлар онгида демократик кадриятларни мустақамлаш бевосита миллий ғоя, мафкура ва миллат манфаатлари билан мантқиқий уйғунликда ривожланади. Шу боисдан ҳам ушбу монографияда ижтимоий муносабатлар тизимида ғоя, мафкура ва эҳтиёжлар бирлиги, миллий ғоя такомиллида оқиллона эҳтиёж ва маифаатларнинг шаклланиш омиллари кенг ижтимоий фалсафий карашларда ёритилган.

Шунингдек, мазкур монографияда таълим ислохотлари хаётий эҳтиёж, миллий ғоя такомилнинг бош омили, миллий ва умумин-соний кадриятлар ғоя, мафкура, эҳтиёж ҳамда манфаатлар билан алоқадорлиги каби масалалар ҳам баён қилинган. Мазкур монография ҳам олимнинг илмий тадқиқот мавзу доирасидаги навбатдаги изланиши бўлиб, кенг китобхонлар оммасига, талаба, магистр ва докторантларга мўлжалланган.

**УЎК: 323 (575.1) (072)**

**КВК 66.3 (5Ў)**

***Масъул муҳаррир:***

**И.Саифназаров** – фалсафа фанлари доктори, профессор

**Тақризчилар:**

**Б.Тўйчиев** – фалсафа фанлари доктори, профессор;

**С.Мамашокиров** – фалсафа фанлари доктори, профессор;

**Б.Алиев** – фалсафа фанлари доктори, профессор;

**Т.Султоинов** – фалсафа фанлари номзоди, доцент.

**ISBN 978–9943–4270–9–9**

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2014.

## КИРИШ

Ватанимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, ижтимоий, сиёсий ҳаётимизда туб ўзгаришлар юз берди, халқимиз табиати ва дунёқарашига ёт бўлган мустабидлик мафкураси барҳам топди.

Инсоният тарихидаги тадрижийлик шундан далолат берадики, жамият ўз тараққиётининг бирон-бир босқичидан иккинчи босқичга ўтар экан, иқтисодиёт, ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлганидек, ғоявий-мафкуравий соҳада ҳам муай-яи муаммоларни ҳал қилиш лозим бўлади. Зеро, «биз ўз олдимизга қўйган буюк ва эзгу мақсадларга эришиш, дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрни эгаллаш ҳақида гапирар эканмиз, бу йўлда бизнинг таянчимиз ва суянчимиз бўлган ёшларни миллий ғоямиз руҳида, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлод этиб тарбиялаш тобора устувор аҳамият касб этади».<sup>1</sup>

«Инсониятнинг кўп асрлик тарихи шундан далолат берадики, бу дунёда ўзининг миллий давлатини қуришга азму қарор қилган ҳар қайси халқ юксак вазифаларни амалга ошириш, шу йўлда одамларни бирлаштириш ва сафарбар қилиш, уларнинг қалбида ишонч уйғотиш, эски ижтимоий тузумдан мутлақо янги тузумга ўтишда ўзига қўшимча куч-қувват ва мадад топишда умумий ягона мақсад ва орзу-интилиш ифодаси бўлган миллий ғояни таянч ва суянч деб билади»<sup>2</sup>. Ана шу жараёнинг ўта долзарблигини ҳисобга олиб, Юртбошимиз И.А.Каримов жамият ҳаётида миллий ғоя ва мафкура зарур эканлигини, мафкура бўлмаса одам, жамият давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррарлигини<sup>3</sup> ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан асослаб берди.

«Содда қилиб айтганда, - деб таъкидлаган эди И.А.Каримов ўз жавобларидан бирида, - жамиятимизнинг мафкураси шу жамиятнинг таянчи бўлиши, оддий инсон ва унинг манфаатларини ифода этиши, халқимизнинг бехатар, тинч-омон, фаровон,

---

1 Каримов И.А. Тарихий хотира ва инсон омили – буюк келажагимизнинг гаровидир. – Т.: Ўзбекистон, 2012, 35-36-б

2 Каримов И.А. Юксак маънавият- енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008, 71-б.

3 Баркамол авлод орзуси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000, 32-б.

бадавлат турмушга эришиши учун куч-гайрат манбаи бўлиши лозим.<sup>1</sup>

Ана шу манфаатлар уйғунлиги ва кишилар ҳаётий эҳтиёжларида миллий ғоя ҳамда мафкуранинг устуворлигини ҳисобга олиб, 2001 йилнинг 18 январида Юртбошимизнинг «Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида»ги Фармойиши эълон қилинди. Шунингдек, 2006 йил 25 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори ҳам ушбу соҳада рўёбга чиқарилаётган ишларнинг амалий самарасини таъминлашда муҳим қадам бўлди.

Қарорда қайд этилганидек, «Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий кадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, айниқса ёш авлод онги ва қалбига, она юртга садоқат туйғуларини чуқур сиғдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда».<sup>2</sup>

Мазкур долзарб муаммо ечимини кишиларнинг ҳаётий эҳтиёжи ва манфаатлари билан уйғун ҳолда олиб қараш асосидагина топиш мумкин. «Биз, - деган эди И.Каримов, - миллий ғоя ва мафкурани мазмун моҳияти, уфқларини умумий тарзда белгилаб олдик. Энди ижтимоий соҳа олимлари, мутахассислар, илғор фикрли зиёлилар бу борадаги изланишларни чуқурлаштириб, умумлашган назарий хулосаларни ишлаб чиқишлари, қисқача айтганда, мафкуранинг асосий мақсадларини халққа содда, ҳаққоний тушунарли тарзда ифодалаб беришлари лозим».<sup>3</sup>

Зеро, мустақилликнинг назарий асоси жамият ҳаётини янгилашнинг табиий эҳтиёжи сифатида вужудга келган миллий

---

1 Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз.-т.7.- Тошкент: Ўзбекистон, 1999, 91-б.

2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори//Халқ сўзи, 2006-26 авг.

3 Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз.-т.8.- Тошкент: Ўзбекистон, 2000, 28-б.

ғоя ва мафқурани такомиллаштириш заруриятини асослаш ва Президентимиз И.А.Каримовнинг «ўзининг ҳаётини, олдига қўйган мақсадларини аниқ тасаввур қила оладиган, ўз келажаги ҳақида қайғурадиган миллат ҳеч бир даврда миллий ғоя ва миллий мафқурасиз яшамаган ва яшай олмайди. Мафқура бўлмаса, ҳар қайси давлат ва жамият, қолаверса, ҳар қайси инсон ўз йўлини йўқотиши муқаррар»<sup>1</sup> деган концептуал фикрлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. **Бу биринчидан.**

**Иккинчидан,** анъанага айланиб қолган ғоялар, қарашлар, муносабатлари ўзгартирмасдан, маълум мафқурага асосланмасдан янги даврга, шароитга ўтиб бўлмаслигини, чунки бу жараён кишиларнинг зарурий эҳтиёжи ҳамда манфаатлари билан муштарак эканлигини назарий жиҳатдан тадқиқ этиш, амалий жиҳатдан жамиятда яшаётган фуқаролар онгу-шуурига ва қалбига синглириш муҳим долзарб масалага айланганлиги.

**Учинчидан,** ғоя ва мафқуралар шаклланишининг ижтимоий-тарихий, диний ахлоқий негизлари, маънавий-маърифий омиллари билан манфаат ва эҳтиёжларнинг ўзаро алоқадорлигини ва уларнинг бир-бирига таъсирини тадқиқ этиш зарурлиги.

**Тўртинчидан,** миллий ғоя такомилида оқилона эҳтиёж ва манфаатларнинг ўзаро уйғунлиги, шахс, миллат, жамият ҳамда давлат манфаатларининг ўзаро боғлиқлигини таъминлашда маънавий мерос ва ворисийликнинг моҳияти мазмунан чуқур ўрганилмаганлиги.

**Бешинчидан,** жамият ҳаётининг барча соҳаларини демократлаштириш ва модернизациялаш жараёнида амалга оширилаётган ислоҳотлар тизими ҳамда унинг муҳим бўғини бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури миллий моделининг узлуксиз таълим тизими ва турларидаги ислоҳотларни амалга оширишда мафқуравий жараёнлар ҳамда уларнинг манфаат ва эҳтиёжлар билан ичочлиқ боғлиқ жиҳатларини ўрганиш бугуни куннинг энг муҳим вазифасига айланганлиги. Зеро, ўтган давр мобайнида «таълим-тарбия соҳасининг яхлит, узлуксиз тизимини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, жумладан, умумий ўрта таълимдан бошлаб ўрта махсус, касб-ҳунар ҳамда олий

1 Назаров Қ. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001, 5-6.

таълимгача бўлган барча босқичларда юксак билимли ва малакали касб тайёргарлигига эга бўлган авлодни тарбиялаш жараёнини такомиллаштириш ишлари изчил давом эттирилди».<sup>1</sup>

*Олтинчидан*, ёш авлоднинг қалби ва онгини асраш, уларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш жараёнида ғоя, мафкура ҳамда манфаатлар билан уйғунлиги, комил инсон, баркамол авлод, шахс камолотида маҳалла муҳити, оила маънавияти, эҳтиёж ва манфаатлар диалектикасини очиб бериш зарурлиги.

*Еттинчидан*, дунёда, «халқаро майдонда ғоявий, мафкуравий ва инфор­мацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий ҳуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизни ҳаётга онгли муносабатларини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш...»<sup>2</sup> каби масалалар ечимининг энг мақбул йўлларини тадқиқ этиш ҳам ана шу долзарб ва­зифалардандир.

Диққат қилинса, юқорида билдирилган фикрларнинг деярли барчасида миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг моҳияти миллат, Ватан, халқ ва шахс эҳтиёжи ҳамда маи­фаатлари билан алоқадорликда намоён бўлаётганлигининг гувоҳи бўламиз.

Зеро, инсоният, жамият мавжуд экан, инсон зоти яшар экан, у муайян эҳтиёж ва ўз ман­фаати асосида маълум мас­лакка инти­лишда ғоя ҳамда мафкурага таяниб яшайди.

Гарчи замонавий илм-фан, техника тараққиёти инсон эҳтиёжи ва ман­фаатларини қондиришнинг беқиёс маънавий-моддий заминини яратган бўлсада, аммо фан-техниканинг ўзи тўппа-тўғри ҳамма инсонлар эҳтиёжи ва ман­фаати­га бир хилда теппа-тенг хиз­мат қилавермайди. Бунинг учун ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий-маънавий шарт-шароитлар зарурки, уларнинг тегишли тизимини ташкил этувчи омилларни тадқиқ этиш ғоят муҳимдир.

---

1 Каримов И. А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2013. – Б. 14-15.

2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори // Халқ сўзи, 2006 йил 26 август.

Агар инсоният эҳтиёжи ва манфаатлари жаҳон демократик жамоатчилиги томонидан эътироф этилганини назарда тутиб, инсон ва унинг ҳуқуқларини, уларни рўёбга чиқаришни бутун жамият тараққиётининг туб мақсади деб қарайдиган бўлсак, унда маълум ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий тизимлар ғоявий-мафкуравий жараёнлар, уюшмалар, муассасалар (уруғ, қабила, элат, халқ, миллат, давлат, сиёсий партия, жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари)ни юқорида айтилган мақсадга эришиш воситалари ўрнида қараб чиқмоқ керак бўлади.

Миллий ғоя ва мафкуранинг шаклланиш жараёнида ижтимоий эҳтиёж ҳамда манфаатларнинг ўзаро уйғунлигини тадқиқ этишда муҳим масалалардан, агар таъбир жоиз бўлса, ҳал қилувчи бош масаладан бири эҳтиёж ва манфаатнинг турлитуманлиги ва ўзаро боғлиқлиги масаласидир. Агар биз уларни умумлаштириб тасаввур қиладиган бўлсак, эҳтиёж ва манфаатлар иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва сиёсий йўналишларни қамраб олгаилигини гувоҳи бўламиз. Бу йўналишлар ўз навбатида иқтисод ва маънавият, миллий ғоя ҳамда мафкурага ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Чунки ҳар қандай мафкуравий жараён қайсидир манфаат ёки етилган ижтимоий эҳтиёжлар ҳосиласидир.

Ана шу нуқтаи назардан қараганда Президентимиз Ислом Каримовнинг қуйидаги фикрларида миллий ғоя ва истиқлол мафкурасини кишиларимиз, умуман халқимизнинг мақсадмуддаолари, ҳаётий эҳтиёжлари билан боғлиқ эканлиги аниқ ва равшан ифодалаб берилган.

Зеро, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «Бизнинг энг улуғ мақсадимиз, энг улуғ ғоямиз шуки, Ўзбекистоннинг битта йўли бор: мустақилликни мустаҳкамлаб, мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириб, ёруғ ва эркин ҳаёт сари олға юриш. Мафкурамиз, тутган йўлимиз, бор куч-ғайратимиз ана шу улуғвор ниятни амалга оширишга йўналтирилиши керак. Халқимизни, юртимиздаги барча сиёсий кучларни, нодавлат ташкилотларни ягона умумий мақсад атрофида бирлаштирадиган, бир тану бир жон қиладиган миллий ғоя ҳам аслида шу».<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008, 76-б.



Ўз навбатида биз иқтисод ва маънавият жамият эҳтиёжи эканлигини, шунингдек, жамиятнинг яшаши, тараққиёти, аҳоли турмуш тарзи, унинг таянадиган кучи бўлган миллий истиқлол ғояси ва мафқураси асосида ҳам буюк мақсад ва манфаатлар ётганлигини унутмаслигимиз керак. Худди шунинг учун ҳам бу икки ўзаро боғлиқ жараён эҳтиёж, манфаат, ғоя ҳамда мафқурани жамиятнинг янгилиниш жараёнидаги асосий функцияларини тадқиқ этишни тақозо қилади.

Ўзбекистон Республикаси мустақил тараққиёт йўлининг шонли 22 йиллигига қадам қўйган тарихий бурилиш палласида миллий ғоя ва мафқурасининг шаклланиши, уни халқимиз онгишуурига сингдириш, кишиларимиз қалбига муҳрлашдек муқаддас вазифани амалга ошириш борасида шахсан Президентимиз Ислоом Каримов ҳамда мамлакатимиз зиёлилари. Таниқли олимларимизнинг хизматлари катта.

Миллий истиқлол ғояси ва мафқурасини яратиш ва унинг инсонпарварлик ғояларини ҳаётга жорий этишни биринчи бўлиб, долзарб масала сифатида кун тартибига қўйиш ва уни амалга ошириш йўл-йўриқларини илмий-назарий асослаб бериш Ўзбекистон Президенти Ислоом Каримов номи ва амалий фаолияти билан бевосита боғлиқ.<sup>1</sup>

Миллий истиқлол ғояси ва мафқурасининг назарий томонларини, унинг миллий менталитетимиз билан боғлиқ жиҳатларини ёритишда А.Иброҳимов, Х.Султонов, А.Валиев, М.М.Хайруллаев, Ж.Тулеинов, Э.Юсупов, З.Ғафуров, С.Шермухаммедов, С.Мамашокиров, Н.Жўраев, У.М.Абилов, Б.Жўраев,

---

1 Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафқура. —т.1.- Тошкент: Ўзбекистон, 1996, 364-б.; Биздан озод ва обод Ватан қолсин. —т.2.- Тошкент: Ўзбекистон, 1996, 380-б.; Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. —т.3.- Тошкент: Ўзбекистон, 1996, 366-б.; Бунёдкорлик йўлидан. —т.4.- Тошкент: Ўзбекистон, 1996, 349-б.; Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. —т.5.- Тошкент: Ўзбекистон, 1997, 384-б.; Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. —т.6.- Тошкент: Ўзбекистон, 1998, 429-б.; Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. —т.7.- Тошкент: Ўзбекистон, 1999, 410-б.; Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. —т.7.- Тошкент: Ўзбекистон, 1999; Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. —т.8.- Тошкент: Ўзбекистон, 2000, 528-б.; «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласига ёзилган сўз боши. — Тошкент: Ўзбекистон, 2001 йил февралдаги «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар фаии бўйича таълим дастурларини яратиш ва Республика таълим тизимида жорий этиш тўғрисида»ги Фармойиши//Халқ сўзи, 2001 — 19 янв. ва х.к.

Х.Алиқулов, А.Исмоилов, Ш.Эргашев, К.Хоназаров, И.Саифназаров, А.Очилдиев, Д.Норкулов, И.Эргашев, М.Қирғизбоев, С.М.Абдуғаниева каби олимларнинг ишларида ижтимоий фалсафа нуқтаи назаридан тадқиқ этилган.<sup>1</sup>

Шу билан бир қаторда Қ.Назаров, А.Очилдиев, А.Чориев, Х.Ҳайдаров, Ф.Абдурахмонов, Г.Л.Маҳмудова, А.Юнусов каби олимларнинг асарлари, диссертация ва тадқиқотларида мафқуравий муаммолар, Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли, мустақиллик ғоя ва мафқура снни яратиш борасида концептуал назарий фикрлари мавжуд.<sup>2</sup>

Жумладан, Қ.Назаров тадқиқотларида миллий ғоя ва мафқуранинг шаклланишида қадриятлар тизими, унинг миллий манфаатлар билан алоқадорлиги масаласига асосий эътибор қаратилган бўлса, А.Чориев қарашларида манфаат ва эҳтиёж диалектикасини инсон феномени орқали ёритишга, уни миллий ғоя ва мафқура билан боғлиқлиги ҳамда ўзаро таъсирини нисбатан асослашга уриган. А.Юнусов изланишларида эса, турмуш тарзи унинг жамиятдаги етилган ижтимоий эҳтиёжлар даражаси асосида ўзгариб боришининг миллий хусусиятлари таҳлил этилган.

К.Аҳмедов ишларида миллий манфаатлар категорияси ва унинг халқаро тизимлар тараққиётидаги ифодаси масалалари тадқиқот марказига қўйилган. Тадқиқотчи Б.М.Очилова томонидан ғоя, мақсад ва манфаатларнинг шаклланишида эътиқод ва ихлос бирлиги, манфаатлар тизимида ихлос ва ихлосмандликнинг ўзаро боғлиқлиги муаммолари ўрганилган.<sup>3</sup> Худди шунингдек, Республикамиз жамиятшунос олимларининг аксарияти миллий истиқлол ғояси, мафқуравий жараёнларга дахлдор бошқа муаммолар хусусида қатор изланишлар олиб борганлар, аммо,

1 Иброҳимов А. Ва бошқ. Ватан туйғуси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996, 396-б. Жўраев Н.К. Агар огоҳ сен... Портретга чизгилар. Сиёсий эссе. – Тошкент: Ёзувчи, 1998, 272-б. Валиев А. Миллий ғоя ва миллий мафқура. Мустақил Ўзбекистон: фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари. – Тошкент: Фан, 2000, 272-б. ва х.к.

2 Назаров Қ. Х. Қадриятлар тизими: барқарорлик ва ўзгарувчанлик диалектикаси (аксеология муаммолари) фалсафа фанлари д-ри... дисс. – Тошкент: 1996. Чориев А. Инсон фалсафаси II-китоб. Мустақил шахс. – Тошкент: Чинор, ЕНК, 2002.

3 Очилова Б. Шахс маънавий камолотида ихлосмандлик ва ибрат бирлиги. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. (монография); Очилова Б. Ихлос ва манфаатлар тизими// Жамият ва бошқарув. – 2003.-№4. 41-42-б.; Очилова Б. Ихлос ва мафқуравий иммунитет//Мулоқот. - №4, 44-46-б.

миллий истиқлол ғояси ва мафқурасини шакллантиришда эҳтиёж ва манфаатлар бирлиги масаласи яхлит тарзда олиб ўрганилган бирон-бир фундаментал излаиш деярли, ҳозирча кўзга ташланганича йўқ.

Илмий таҳлиллар шундан далолат берадики, бугунги кунда мамлакатимиз олимлари томонидан миллий истиқлол ғояси ва мафқураси билан боғлиқ муаммолар устида кўпгина жиддий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, турли китоб, рисола ҳамда мақолалар чоп этилмоқда. Лекин Ўзбекистонда очик, демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда миллий ғоя такомилда эҳтиёж ва манфаатлар бирлиги билан боғлиқ бўлган фундаментал илмий тадқиқотлар ижтимоий фалсафада тўлиқ тадқиқ этилгани йўқ. Яъни, бу борада, айниқса, миллий ғоя ва мафқураининг амал қилиш тамойиллари, унинг бошқа ижтимоий масалалар билан боғлиқлиги меиталитетимизининг теран томирлари билан туташ жиҳатлари ҳали тўлиқ ва атрофлича ўрганилмаган. Хусусан, ижтимоий эҳтиёж, манфаатларнинг миллий ғоя ва мафқураининг шаклланиш жараёнига таъсири масаласи юзасидан ҳам кенг камровли тадқиқотлар ўтказиш зарурлигини тақозо этади. Тўғри, кейинги йилларда бу борада республикаимиз олимлари бир қатор изланишлар олиб бордилар.<sup>1</sup>

Аmmo бу изланишларда манфаат ва эҳтиёж ва уларнинг шаклланиш хусусиятлари, миллий манфаатни юзага чиқиш омилларини ўрганишга кўпроқ эътибор берилиб, унинг миллий истиқлол ғояси ҳамда мафқурасини шаклланишига таъсири масалалари деярли тадқиқ этилмаган.

Шунингдек, ижтимоий муносабатлар тизимида ғоя ва мафқураининг эҳтиёж, манфаатлар билан алоқадорлиги, миллий ғоя такомилда эҳтиёжни шакллантириш муаммолари, эркин шахс тарбияси ва комил инсон ғоясини юзага чиқишида оқилон

---

<sup>1</sup> Қаранг. Абдурахмонов Ф.Р. Ўзбекистон Республикаси мустақиллик шароитида: миллий-ижтимоий манфаатлар, муаммоларнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили. Фалсафа фанлари д-ри ... дисс. —Тошкент: 1995; Қосимов И. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида эҳтиёж ва манфаатларни шакллантириш муаммолари. Фалсафа фанлари н-ди ... дисс. автореф. — Тошкент, 1999.; Толипов Ф.Ф. Формирование концепции национального интереса Республики Узбекистана в контексте глобального политического развития. Автореф. дисс. канд. филос. наук. —Ташкент, 1997.

эхтиёж ҳамда манфаатларининг ўзаро алоқадорлиги масалалари ҳам чуқур илмий таҳлил этилиши керак эди.

Мана шу заруриятни англаган ҳолда ижтимоий эҳтиёж ва маифаатни нафақат соф фалсафий категория, ўз навбатида, у кишиларнинг ҳаётий манфаатлари билан дахлдор иқтисодий категория сифатида ҳам қараб, унинг жамият сиёсий ҳаётининг муҳим томини ташкил этган миллий истиқлол ғояси ва мафқурасини шакллантиришдаги асосий омил эканлигини илмий таҳлил этишга уриндик. Ана шу мақсадда, хорижий олимлар, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мазкур соҳа юзасидан мутахассислари қарашларини таҳлил этдик<sup>1</sup>. Қиёсий жиҳатдан ижтимоий амалиётимиздаги жараёнларга солиштириб, эҳтиёж ва манфаатларни миллий истиқлол ғояси ва мафқурасини шакллантиришдаги ўрни, роли ҳамда аҳамияти хусусида илмий назарий хулосалар чиқаришга ҳаракат қилдик.

Шунингдек, баркамол инсон дунёқарашини шакллантиришда Шарқ мутафаккирлари, хусусан, Марказий Осиёлик буюк алломаларнинг бунёдкор, яратувчи ғояларининг ўрни катта эканлигини эътиборга олиб, Ал-Ғаззолий, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Ал-Форобий, Ибн Сино, Рудакий Жомий, Навоий, Кошифийларнинг адолат, ҳалоллик, комил инсон тарбияси ҳақидаги таълимотларини таҳлил этиш, уни шахс, миллат манфаати ва эҳтиёжлари билан уйғунлик хусусиятларини асослашга уриндик.

Ҳар қандай мафқура халқ маънавий-руҳий эҳтиёжларини, миллий анъаналари ва турмуш тарзини ҳисобга олган тақдирдагина яшовчан, таъсирчан бўлади. Бинобарин, мустақилликни мустаҳкамлаш миллий кадриятларни тиклаш ва ривожлантириш тарихий зарурият ва муҳим ҳаётий эҳтиёж экан, тараққиётнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий заминларини мустаҳкамлаш, миллий истиқлол ғояси ва мафқурасининг асосий мақсад ва вазифаларини халқнинг ҳаётий эҳтиёж ҳамда манфаатлари билан умумий муштараклигини таъминлаш муаммолари устида мунтазам изланишлар, илмий-тадқиқотлар олиб бориш республикамиз олимлари ҳамда мутахассислари зиммасида турган юксак масъулият ва ўз навбатида шарафли вазифадир.

<sup>1</sup> Каранг. Чарльз Хартон Кули. Человеческая природа и социальный порядок. –М., 2000. Дом. Интеллектуальной книг Идея Пресса. М., 2000.; Энциклопедический словарь. –М.: Санкт-Петербург, 1994.; Здромислов А.Г. Потребности, интересы, ценности. –М.: Политиздат, 1986.; Бедин М.Ф. Бытие человека, деятельность и смысл. Рига, 1987.

# **I боб. ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИДА ҒОЯ, МАҒКУРА ВА ЭҲТИЁЖЛАР БИРЛИГИ**

## **1.1. Ғоя, мағкуралар шаклланишининг ижтимоий-тарихий генезиси**

XXI аср башарият тарихида ўзига хос янги саҳифа очди. У дунё цивилизациялараро мулоқот асри бўлиб, янгидан-янги юксалишлар, эврилишлар билан бирга бутун нисоният олдига кўпдан-кўп муаммоларни ҳам кўйди. Бу муаммоларни ҳал қилмасдан, ғоя ва мағкуравий жараёнларни такомиллаштирмасдан, халқлар, миллатлар тинчлиги ва тараққиётини таъмиловчи бунёдкор ғоя ва мағкуралар атрофида уюшмасдан туриб, тараққиётни белгилаб бўлмайди.

Зеро, Президентимиз Ислом Каримов ибораси билан айтганда, «жаҳон миқёсида глобаллашув ва рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги замонда биз дунёда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнида эгаллаб турган ўрнимизни холисона ва танқидий баҳолашимиз, тобора ошиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб беришимиз, кечаётган давр билан ҳамқадам бўлишимиз шарт».<sup>1</sup>

Бинобарин, бундай долзарб муаммолардан миллатимиз ва халқимиз ҳам четда тура олмаслиги барчага аён.

Чунки янги минг йилликда халқимизнинг тараққиёт йўлида хилма-хил ва мураккаб муаммолар юз кўрсатаётган экан, аввало уларнинг мақбул ечимини топиш талаб этилади. Бу эса асосан, бугунги кунда Ўзбекистоннинг демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини яратаётган кишиларга, уларнинг ижтимоий кайфиятига, жамият ҳаётида намоён бўлаётган миллий, ижтимоий ва ҳаттоки индивидуал манфаат ва эҳтиёжларни қай даражада қондирилишига боғлиқ. Зотан, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Ҳар қандай инсон, табиийки, мурод-мақсадсиз яшай олмайди. Бинобарин, токи ҳаёт мавжуд экан, мамлакатлар, давлатлар ва уларнинг манфаатлари бор экан, улар ўз тараққиёт йўлини эртанги кун уфқларини ўзининг

<sup>1</sup>Каримов И.А, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.- Тошкент: Ўзбекистон, 2010.-Б.6.

миллий ғояси, миллий мафкураси орқали белгилаб олишга интилади».<sup>1</sup> Демак, ҳар қандай ғоя ва мафкура ўз-ўзидан тасодифий пайдо бўлмайди, балки у муайян мақсад, манфаатлар тизими жамиятдаги етилган ижтимоий эҳтиёжларнинг намоён бўлиш шакли сифатида юзага келади.

Эркин бозор шароитида манфаатлар улушига эгалик истаги бўртиб кўзга ташланади. Айниқса, шахс ва жамият, давлат маифаатлари тушунчаларига даврнинг ўзи равшанлик киритди. Эндиликда бизнинг жамиятимиз ҳам шахсий манфаатларни рад этмаслик даражасига кўтарилди, айти пайтда жамият манфаатини унутишга ҳам зинҳор ҳаққимиз йўқ.

Бозор иқтисодиёти шароитида шахсий манфаат ривожланиши, жамоавий ва умумхалқ манфаатларини қондиришнинг ҳал қилувчи омили сифатида намоён бўлди. Ана шу боис шахсий манфаатларнинг мазмунини фақат даромад олишдангина иборат, деб ҳисоблаш мумкин эмас, зеро у ўзининг фаолиятига кўра сезиларли даражада кенгрокдир.

Манфаатлар тизимида умумхалқ манфаатлари алоҳида ўрин тутади. Умумхалқ манфаатлари ўзида жамоавий ва шахсий маифаатлар мажмуини акс эттиради. Умумхалқ манфаатлари ишлаб чиқариш воситаларига мулкчиликнинг кўп укладли шакли устувор бўлган шароитда, тенг ҳуқуқлилиқ, мулкдорлар жамиятиниинг манфаатларидир. Унда моддий бойликларни ўзлаштиришнинг жамоавий, шахсий, умумхалқ манфаатлари иштирок этади.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг юзага келиши, мулкчилик хилма-хил шакллариининг жамиятимиз ҳаётида устувор аҳамият касб этаётганлиги ва бу ҳолатда кишилар тафаккурида муайяи янгилианишлар юзага келаётгаилиги, моддий-иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришлар кишиларни эҳтиёж ва манфаатлари, маънавий дунёсига сезиларли таъсир ўтказаётганлиги билан белгиланади. Шу боисдан ҳам ижтимоий муносабатлар тизимида ғоя, мафкура ва эҳтиёжлар бирлигини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш, унга доир концептуал назарий

---

<sup>1</sup>Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Асарлар. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. - 8-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон, 2000. -Б. 490.

қарашлар тизимини шакллантиришни тақозо этади. Қолаверса, яқин ўтмишимиздан бизга мерос қолган ишлаб чиқариш ва иш юритишдаги эскича самарасиз услублардан қутилиш йўлида катта имконият яратилиб, унинг моҳиятини халқимиз англаб етди.

Маълумки, собиқ Иттифоқ бошқарув тизимидаги тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик усуллари жамият аъзоларининг шахсий мавқеи ва ўрнини изчиллик билан камситиб, фуқаролардан «ходимлар», «ишчилар», «иштирокчилар» гуруҳини юзага келтирган эди. Натижада, узоқ йиллар давомида алоҳида шахс кадр-қиммати, унинг такрорланмас хусусияти тўла англаб олинмади. «Халқ учун», «Давлат учун», «умум иш учун» ишлаш ва яшаш усули коммунистик қарашларда мафкуравий жиҳатдан мустаҳкамланди, сиёсий асосланди. Иш жойларида соатлаб ўтириш, мажлис ва кенгашларда иштирок қилиб қўйиш росмана қабул қилинган ҳаракат меъёрлари бўлиб қолган эди. Ижтимоий амалиётда нима яхши, нима ёмон, қайсиниси давлат ёки жамият маифаати ҳамда кишилар эҳтиёжига хизмат қилади, қандай хатти-ҳаракатлар салбий ҳолат эканлиги, ҳар бир кишига мафкура томонидан тарғибот-ташвиқот орқали кўрсатилиб туриш табиий ҳолга айланган эди. Бундай ижтимоий аҳвол жамият кишиларини икки хил шаклдаги ҳаёт тарзи ва амалий фаолиятга олиб келди. Бир томондан шахсининг давлат олдида ва жамият кузағувида. Иккинчи томондан, унинг ўзи учун, ўзи билан овора бўлиб, ўз тор қобиғи доирасидан чиқмасликка олиб келди.

Собиқ шўро даври мафкураси инсон онгини ўзгартириш уни том маънода инсоний фазилат ва хислатлар уйғунлигини таъминлашга йўналтириш, инсоннинг яратувчанлик ролини ошнриш, ўзлигини англаб бориш, эркинликка асосланган мустақил ҳаёт тарзини такомиллаштириб боришга эмас, аксинча, уларнинг қорнини тўйғазиб манкуртга айлантириш сиёсатини олиб борди. Ейнш-ичиш учун, тўй-томоша учун яшаш билан қаноатланиш кайфияти қарор топди. Инсонларда тайёрга кўникиш руҳияти, боқимандалик кайфияти шаклланди.

Натижада бизнинг халқимиз менталитетидаги меҳнатсеварлик моддий-иқтисодий неъматларни кадрлаш каби ижобий

фазилатлар собиқ мустабид тузумнинг яроқсиз мафқураси таъсирида ўз аҳамиятини йўқота бошлади.

Бу кайфият кўп ҳолатларда шахс меҳнатини қадрламаслик, моддий неъматларга нисбатан фақат истеъмолчилик руҳиятини юзага келтириб, яратувчиликка нисбатан масъулият туйғусининг сусая бошлашига олиб келди.

Аслида ғоя ва мафқура қай тарзда шаклланмасин, унинг бирламчи асоси, юзага келтирувчи омили иқтисодий генезиси билан боғлиқ. Ҳар қандай интилиш ва мақсад муайян маънода иқтисодий манфаат билан муштарак. Агар биз ғояни мақсад тарзида англасак, мақсад замирида ҳам иқтисодий муддао туришлиги аён бўлади. Иқтисодий манфаатнинг қондирилиши эса бевосита меҳнат орқали рўёбга чиқади. Ғоя ва мафқураларнинг иқтисодий асоси аввало, дунёвий, диний-ахлоқий манбаларда, улуғ мутафаккирларимиз қарашларида ўз аксини топган. Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «агар иқтисодий ўсиш, тараққиёт – тараққиёт жамиятимизнинг танаси бўлса, маънавият-маърифат ва сиёсий онг етуқлиги унинг руҳи, ақли ва жонидир».<sup>1</sup>

Зеро, Қуръони Каримнинг қатор оятларн ва Пайғамбаримизнинг Ҳадисларида бу муаммо ечимига катта ўрин берилган. Аллоҳ-таоло ўз бандаларига айтадики: «Эй одам фарзанди, сенга уч нарсани ихтиёр қилдимки, яъни, оила аҳлингни, мол-дунёйингни ва амалингни. Аммо мол-дунёнинг сен ўлиб, оёғинг ердан узилиши билан ортингда қолади. Оёғинг уйдан чиқиши билан оиланг ҳам ажраб қоладилар. Кейин қабрда бўласан. Қиёмат кунида фақат яхши амалинг фойда беради. Амалинг тузук бўлса, сени ҳам тузатиб қўяди, агар ёмон бўлса, сени ҳалок қилувчи ерга топширар».<sup>2</sup>

Аллоҳ таолонинг мана шу каломиди ҳам яхши эзгу амаллар инсоннинг икки дунёсини саодатманд этишга хизмат қилишини, унинг замирида эса аввало иқтисодий манфаат турганлигига ишорат бор. Айни шу манбалар таҳлилидан келиб чиқиб, бизнинг ота-боболаримиз ўз ғоя ва маслакларини рўёбга чиқаришнинг ўзига хос тенгламасини яратганлар.

<sup>1</sup>Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қодсин. - Т.2. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996. - Б.261  
<sup>2</sup> Ҳадиси кудсий. Моваруннаҳр нашр. -Тошкент. 1992. -Б. 10.